

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил январь ойининг 26 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг ўз биносигадаги очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда,

раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

ҳайъат судьялари: О.Мирсадиков ва Р.Зариповдан иборат таркибда, И.Тўхтауновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, судланган Ғ.Усмонов ва унинг ҳимоячиси Д.Юнусалиевнинг иштирокида, Ғ.Усмонов бошқаларга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги тафтиш тартибидаги шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2025 йил 10 сентябрдаги ҳукмига кўра,

1994 йил 25 мартда Сурхондарё вилояти, Денов туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти ўрта, судланмаган, ишламаган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Оқтом МФЙ, Қўрғонча кўчаси, 203-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 15 апрель кунидан эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланаётган Усмонов Ғанишер Бахриддиновичга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 246-моддаси 2-қисми билан 11 йил, 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил, 59-моддаси тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суднинг ҳукми билан А.Султонов ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суд қарорларига кўра, А.Султонов Тожикистон Республикаси фуқароси, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс ва Ғ.Усмонов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, жиноий режага кўра қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс 2025 йил 3 апрель куни умумий оғирлиги 10 кг бўлган “опий” гиёҳвандлик воситасини Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган давлат чегарасининг қўриқланиши қийин бўлган қисми орқали контрабанда йўли билан Ўзбекистон Республикасига ўтказиб, сўнг “Сариосиё-авто” чегара пости орқали Сурхондарё вилоятига ўтиб, Ғ.Усмонов билан бирга гиёҳвандлик воситасини Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги “Далварзин” деб



номланувчи худудда қабул қилиб олиб, сўнг Ғ.Усмоновнинг бошқарувидаги 75R283SA давлат рақам белгили, “Cobalt” русумли автотранспорт воситасида 2025 йил 6 апрель куни соат 08ларда Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига ташиб келишиб, бу ерда кутиб турган А.Султонов билан кўришиб, қисми ажратилган шахс “Бекобод-авто” чегара пости орқали Тожикистонга чиқиб кетганидан сўнг А.Султонов ва Ғ.Усмонов “опий” гиёҳвандлик воситасини шу куни соат 17ларда Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида жойлашган “Темир ота” номли умумий овқатланиш масканига ташиб боришиб, шу ерда А.Султонов кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини махсус харидорга 80.000 АҚШ долларига сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлар томонидан ушланиб, ўн дона бўлақлардан иборат, умумий оғирлиги 9.467 граммдан иборат опий гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланган Ғ.Усмонов ҳимоячиси билан биргаликдаги тафтиш тартибидаги шикоятда, суд ҳукмида кўрсатилган жиноятга дахли йўқлиги, дастлабки тергов ва суд томонидан асоссиз айблангани ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилишни сўраганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Р.Зариповнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланган Ғ.Усмонов ва унинг ҳимоячиси Д.Юнусалиевнинг шикоятни тўлиқ қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суднинг ҳукми ва апелляция инстанцияси судининг ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Ғ.Усмоновнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги: ўзининг судда айбига иқроор бўлиб, жиноий қилмишларини фош қилувчи кўрсатувларидан ташқари, шу иш бўйича судланган А.Султонов, гувоҳ А.Баходиров ва А.Махмудовнинг суддаги кўрсатувлари, жиноят ишидаги назорат остида олиш тезкор тадбири ўтказиш, пул маблағларини махсус харидорга бериш, кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш, ашёвий далилни тортиб олиш, шахсни фото суратидан таниб олиш баённомалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ хавфсиз шаҳар тизимларини ривожлантириш марказининг 2025 йил 16 апрелдаги 01-09/1042-сонли маълумотномаси, фото иловалар, судга-кимёвий, суд-наркологик экспертизалар хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 28 ва 246-моддаси 2-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган.



Апелляция инстанцияси суди, Ғ.Усмонов ҳимоячиси билан биргаликдаги тафтиш шикоятдаги, суд ҳукмида кўрсатилган жиноятга дахли йўқлиги, дастлабки тергов ва суд томонидан асосиз айблангани ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, мазкур важлар ўзининг биринчи инстанция судидаги, ўз автомашинасида таниши Ф.Нуровни Денов туманига етмасдан, Шўрчи тумани ҳудудига кирувчи Далварзин деб номланувчи жойдан ўтган асосий йўл бўйига олиб борганида Ф.Нуров ўша ерда йўл бўйига тўхташини айтиб, автомашинадан тушиб, дала томонга қараб юриб, уч дақиқада қўлида бир дона қора рангли спорт сумкасини кўтарган ҳолда қайтиб келгани, Ф.Нуровдан ушбу нарсани нима қилишини сўраганида, Ф.Нуров буни Қўқонга олиб бориб бериши кераклигини айтгани ва ундан нарсани 5.000 АҚШ долларига олиб бориб қўйишини сўрагани, шунда Ф.Нуровга Қўқонга қатнамаслигини, Тошкент шаҳрига қатнашини айтиб, Қўқон шаҳрига борадиган такси топиб бериши мумкинлигини айтгани, Ф.Нуров Тошкентгача ҳам бўлаверишини, уларни ўзи ушбу нарсани Тошкентга келиб олиб кетишини билдиргани, сўнг ўзи холасини ўғли Д.Эшонқулов ва акаси А.Усмонов ҳам Тошкент шаҳрига иш ва ўқишга кетиши кераклиги учун уларни ҳам ўзи билан олиб, Тошкент шаҳрига йўлга чиқиб, Сирдарё вилоятига яқинлашганларида Ф.Нуров Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига олиб боришини, у ерда А.Султонов билан учрашини айтгани, 2025 йил 6 апрель куни тонгга яқин Ф.Нуров А.Султоновга қўнғироқ қилгани, улар ўзаро гаплашиб бўлганидан кейин Ф.Нуров Бекобод шаҳрига юришини айтгани, у ерда А.Султонов билан кўришишгани, Ф.Нуров ва А.Султонов ўзаро бир муддат гаплашиб туришгани, сўнг А.Султонов, ўзи ва Ф.Нуров А.Султоновни автомашинасида Ф.Нуровни Бекобод шаҳридаги чегара постигача олиб бориб қўйганликлари, Ф.Нуров пост орқали Тожикистонга ўтиб кетгани, Ф.Нуров кетишидан олдин А.Султонов унга 5.000 АҚШ доллари беришини тайинлаб қўйгани, сўнг шу куни соат 17ларда Оҳангарон шаҳрига етиб борганликлари, шу вақтда А.Султонов автомашинадаги қора рангли сумкани олиб ҳаракатланиб кетгани, ўзи А.Султоновни қайтиб келишини кутиб ўтиргани, сўнг эса кетиб юборгани, йўлда Ф.Нуров қўнғироқ қилиб, А.Султонов телефонига жавоб бермаётганини айтганлиги, шунда унга қўлга тушган бўлса керак деб ўйлаб, уни кутмасдан қолдириб кетиб юборганлигини айтгани, шу билан Ф.Нуров билан бошқа гаплашмагани, Ф.Нуров билан гиёҳвандлик воситасини 5.000 АҚШ долларига ташиб бериш бўйича Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Далварзин деб номланувчи ҳудудда бўлган вақтида гаплашгани, лекин ушбу гиёҳвандлик воситасини давлат чегараси орқали ўтказилишида иштирок этмагани ҳақидаги;

судланган А.Султонов биринчи инстанция судидаги, Россия Федерациясида бўлган вақтида Тожикистон фуқароси Ф.Нуров билан танишиб қолгани, 2025 йил февраль ойида Ф.Нуров “Whatsapp” ижтимоий тармоғи орқали алоқага чиқиб, Қўқон шаҳридан бўлган “Ровшан” исмли шахсни телефон рақамини бериб, гиёҳвандлик воситалари сотаётгани, бироқ бир-бирларини тушунмаётгани, гапларини таржима қилиб бериб туришни илтимос қилгани, шу тариқа улар “Whatsapp” ижтимоий тармоғи орқали унга



хабар қолдириши, сўнгра ўзи улар юборган хабарларни бир-бирларига таржима қилган ҳолда етказиб тургани, ушбу суҳбатлар жараёнида Ф.Нуров 1 кг “опий” гиёҳвандлик воситасини 7.000 АҚШ долларидан сотишини маълум қилганини, шу билан 2025 йил февраль охирида “Ровшан” олдига келиб, ўзи билан юзма-юз кўришиб танишиб кетгани, 2025 йил 6 апрель куни соат 08ларда Ф.Нуров Бекободга келаётганини, ўзи билан бирга 10 кг “опий” гиёҳвандлик воситаларини олиб келаётганини айтгани ва шу куни соат 08ларда Ф.Нуров кўришганлари, Ф.Нуров эски таниши Ғ.Усмоновни бошқарувидаги 75R283SA давлат рақам белгилли “Cobalt” русумли автомашинада келгани, суҳбат давомида Ф.Нуров зарур иши чиқиб қолганлиги сабабли зудлик билан Тожикистонга қайтиб чиқиб кетиш кераклиги, олиб келган 10 кг “опий” гиёҳвандлик воситасини Ғ.Усмонов билан бирга “Ровшан”га етказиб бериб, 80.000 АҚШ доллари олишини, ушбу пулдан 5.000 АҚШ долларини Ғ.Усмоновга бериб юборишини, қолганлари бўйича нима қилишни ўзи айтишини маълум қилгани, сўнг Ф.Нуровни “Бекобод-авто” постига олиб бориб қўйишгани, “Ровшан” билан Оҳангарон шаҳридаги “Темир ота” чойхонасида кўришга келишиб, соат 17ларда етиб келганликлари, у ерда Ғ.Усмонов автомашинани юкхонасидан қора рангли спорт сумкага солинган 10 кг “опий” гиёҳвандлик воситаларини олиб бергани, “Темир ота” чойхонасига кириб, 2-хонада “Ровшан” билан кўришиб, гиёҳвандлик воситаларини берган вақтида уни ходимлар қўлга олишгани, мазкур гиёҳвандлик воситалари жами 9.467 грамм “опий” эканини билгани, мазкур гиёҳвандлик воситаларини Ф.Нуров Сурхондарё вилоятидаги давлат чегараси орқали ўтказган бўлгани ҳақидаги;

гувоҳ А.Усмоновнинг дастлабки терговдаги, Д.Эшонкулов жияни, Ғ.Усмонов эса укаси бўлиши, Ғ.Усмонов “Сурхондарё-Тошкент” йўналишида 75R283SA давлат белгилли, “Cobalt” русумли автотранспорт воситасида киракашлик қилиши, 2025 йил 6 апрель куни Ғ.Усмонов автомашинада келганида у билан бирга жияни Д.Эшонкулов ва нотаниш шахс бўлгани, укаси уни ўзи билан бирга Россия Федерациясида қамоқ жазосини ўтаган “Фирдавс” исмли шахс эканини айтиб, таништиргани, Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳудудида кетаётганларида “Фирдавс” телефонда кимлар биландир тожик тилида гаплашиб бўлиб, укасидан Бекобод шаҳридаги постга олиб бориб қўйишини, зудлик билан Тожикистонга ўтиб кетиши кераклигини айтгани, шу куни соат 08ларда Бекобод шаҳрига етиб борганлари, жияни билан бирга автомашинада ухлаб ётишгани, орадан бир қанча вақт ўтгач Ғ.Усмонов ўзларига нотаниш бўлган бир шахс билан бирга келгани ва бирга йўлга чиқишгани, укаси уни “Аброр” деб, у билан ҳам Россия Федерациясида жазо муддатини ўтаганликларини айтгани, шу кун Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри ҳудудидаги “Темир ота” номли умумий овқатланиш шохобчаси ёнига борганларида “Аброр” автомашинадан тушгани, автомашинанинг юкхонасидан қора рангли спорт сумкасини олиб кетгани, автомашинада сумка борлигини шу вақтда билгани, сўнг йўлга чиқиб, бироз юрганларидан сўнг “Фирдавс” алоқага чиқиб, “Аброр” телефонини кўтармаётганлигини маълум қилгани, укаси яна бир-икки телефон қилиб



кўришини тушунтиргани, шу тариқа улар 3-4 маротаба “Аброр” телефонини кўтармаётганлиги масаласида гаплашганлари, бироқ Ғ.Усмоновнинг асабийлашаётганлигини сезиб қолгани ва ундан нима бўлганлигини сўрагани, у дастлаб “ҳеч нарса, тинчлик” деб жавоб бергани, бироқ қаттиқроқ асабийлашишни бошлаганлигини кўриб, ундан нима бўлганлигини айтишни талаб қилганида “Фирдавс” билан бирга Сурхондарё вилоятидан 5.000 АҚШ доллари хизмат ҳақи эвазига гиёҳвандлик воситаларини олиб келганлиги, уларни “Аброр” олиб тушиб кетганлиги, “Аброр” қўлга тушган бўлиши мумкинлигини маълум қилгани ҳақидаги;

гувоҳ Д.Эшонқуловнинг дастлабки терговдаги, қариндоши Ғ.Усмонов “Сурхондарё-Тошкент” йўналишида 75R283SA давлат рақам белгили, “Cobalt” русумли транспорт воситасида киракашлик қилиши, 2025 йил 5 апрель куни Ғ.Усмоновнинг акаси А.Усмонов билан бирга Тошкент шаҳрига ишга бориши керак бўлгани, шу куни кечга яқин Ғ.Усмонов Шўрчи тумани марказига чиқиб туришини билдиргани, шунда у “Cobalt” русумли автотранспорт воситасида келгани, у билан бирга нотаниш шахс ҳам бўлгани, сўнг А.Усмоновни ҳам яшаш хонадонидан олиб, Тошкент шаҳри томон ҳаракатланишгани, йўлда Ғ.Усмонов нотаниш бўлган одамни “Фирдавс” деб чақиргани ва улар ўзаро рус тилида суҳбатлашиб кетишгани, ўша куни “Фирдавс”ни Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига олиб бориб қўйганлари, Бекобод шаҳрида “Фирдавс” қолиб, ўрнига “Аброр” деган шахс ўтиргани, сўнг ўша куни Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрига борганларида “Аброр” машинанинг юкхонасидан бир дона қора рангли сумкани олиб кетгани, ушбу сумкани ўша вақтда кўргани, бироз юрганларидан сўнг Ғ.Усмонов телефонда гаплашиб, асабийлашишни бошлагани, шунда А.Усмонов ундан нима бўлганлигини сўраганида “Фирдавс” билан бирга Сурхондарё вилоятидан 5.000 АҚШ доллари хизмат ҳақи эвазига гиёҳвандлик воситаларини олиб келгани, “Аброр” қўлга тушган бўлиши мумкинлигини маълум қилгани, шунда А.Усмоновни жаҳли чиқиб, уни уришиб бергани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 7 апрелдаги, А.Султоновдан олинган ўн дона бўлакдаги жигар ранг рангли, ўзига хос кўлланса ҳидли, кўлга ёпишадиган, юмшоқ ҳолдаги моддалар таркибида опий гуруҳига мансуб гиёҳванд алкалоидлар - морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, соф оғирлиги 9.467 грамм экани ҳақидаги 120-сонли хулосаси билан;

шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги назорат остида олиш тезкор тадбири ўтказиш ҳақидаги, пул маблағларини махсус харидорга бериш ҳақидаги, кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш ҳақидаги, ашёвий далилни тортиб олиш ҳақидаги, шахсни фото суратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ хавфсиз шаҳар тизимларини ривожлантириш марказининг 2025 йил 16 апрелдаги 01-09/1042-сонли маълумотномаси, фото иловалар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан рад қилиниши ҳақида хулосага келди.



Судлар Ғ.Усмоновга жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиниб, унинг оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиш билан бир қаторда унинг содир этилган жиноятдаги иштирокчилик даражасини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ҳамда гиёҳвандлик воситасининг миқдорини ҳам инобатга олиб, у айбдор деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Суд қарорларини ўзгартириш учун асослар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасида, тафтиш инстанцияси суди жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра ҳамда Ғ.Усмоновга оид суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, тафтиш инстанцияси суди, суд ҳукмини ва апелляция инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521⁴, 521⁶-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси суди

ажрим қилди:

Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 2025 йил 10 сентябрдаги ҳукми ҳамда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 20 ноябрдаги ажримининг Усмонов Ғанишер Бахриддиновичга оид қисми ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Мамажонов

Ҳайъат судьялари

О.Мирсадиков

Р.Зарипов



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

/имзо/
/имзо/
/имзо/

Б.Мамажонов
О.Мирсадиков
Р.Зарипов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси

Р.Зарипов

